O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 3-IYUN ■ PAYSHANBA ■ 67 (27.242) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ТОШКЕНТ — БЕРЛИН: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошчилигидаги ҳайъат Берлин бургомистри таклифига биноан Германияда бўлди.**

Ҳайъат аъзолари ГФР иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги, Берлин сенати ва «Даймлер Крайслер АГ» концернининг Берлиндаги ваколатхонасига ташриф буюриб, ўзаро манфаатли алоқалар истиқболини муҳокама қилдилар. Жумладан, мулоқот чоғида «Мерседес» ва «Evobus» русумли автобусларни Ўзбекистонга олиб келиш, икки давлат товар ишлаб чиқарувчилар палаталари ўртасидаги шериклик муносабатларини фаоллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Берлин бургомистри К.Воверайт билан учрашувда Ўзбекистон ва Германия пойтахтлари маъмуриятлари даражасидаги алоқалар ҳолати, шаҳар коммуникациялари, транспорт, коммунал хизмат кўрсатиш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ҳайъати мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан уюштирилган «Ўзбекистон ва Германия тадбиркорлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида» бизнес анжуманида ҳам иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ГФР ишбилармон доиралари вакиллари, Берлин маъмурияти ва журналистларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижлик тадбиркорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит ва самарали фаолият учун мавжуд шарт-шароит ҳақида сўзлаб берди.

Дастур доирасида «Тошкент» фотоэкспозицияси ва ўзбек эстрадаси усталарининг концерти намойиш этилди.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
Берлин.

# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### А.Х.ЭШМУРАТОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдулҳаким Хўшбоқович Эшмуратов Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### Т.Ў.ҚОДИРОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тошмирзо Ўроқович Қодиров Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 июнь.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

1 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятининг ривожланиши, бу ерда кейинги пайтда амалда намоён бўлаётган натижалар, эришилган марралар ҳақида гапирди. Айниқса, вилоят маркази — Термиз шаҳрининг қиёфаси мустақиллик йилларида бутунлай ўзгарганини, унинг нуфузи юксалаётганини қайд этди.

Вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожини юксалтириш мақсадида кейинги йилларда ҳукумат томонидан бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли, Тўполон сув омбори қурилиши шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси одамлар учун ҳар тарафлама қулайликлар яратишга, уларнинг ҳаётини фаровон этишга қаратилган. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам ижобий силжишлар бор. Хусусан, ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,3 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият каби кўпгина соҳаларда қолоқликка, хато ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг ўз масъулиятини йўқотиши оқибатида вилоятда маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар юзага келган.

Президентимиз уқтирганидек, қайд этилган муаммолар чуқур илдиз отмасидан олдин бундай нохуш вазият, муҳит пайдо бўлишининг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш зарур. Бу эса кўп жиҳатдан жамиятда ошкоралик тамойилини ўрнатиш билан боғлиқдир. Ошкораликни ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ҳамма жойда қарор топтиришимиз керак.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Тошмирзо Қодиров вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Денов тумани ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Абдулҳаким Эшмуродов вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Узун туманидаги 3-ўрта мактаб директори Инобат Қурбонова, Қумқўрғон тумани ҳокими Нормўмин Чориев, Термиз шаҳридаги 1-поликлиника бош шифокори ўринбосари Зулфия Азизова, «Халқ йўли» газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов, «Аёл ва замон» газетаси бош муҳаррири Жамила Эргашева ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,**
**Ч.ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

✧✧✧

**Суратда:** сессия пайти.
**А.ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Сурхон замини, Сурхон юрти Яратганнинг ўзи унга ато этган тарихи, ўзига хослиги ва гўзал табиати, аввало шу ерда яшайдиган халқнинг самимияти ва меҳмондўстлиги билан ўзига доим эътиборни тортиб туради, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда бу замин воҳа аҳлининг фидокорона меҳнати эвазига тобора гўзаллашиб, қиёфасини ўзгартирмоқда, ўзининг ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштириш орқали мамлакатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, ўн-ўн беш йиллар олдин Сурхон ҳақида фақат матбуот ва тарихий ҳужжатлар орқали эшитиб ва танишиб юрган одамлар ҳам бугунги кунда бу воҳа билан, унинг боқий ёдгорликлари, Бойсун, Денов ва Сариосиё сингари гўзал, сўлим масканлари, очиққўнгил халқи билан, унинг бетакрор санъати, бугунги ҳаёти ва ўзгаришлари билан танишишни хуш кўрмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Бугун барчамиз кўз ўнгимизда дунё шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу оламшумул жараёнлар, ер юзидаги барча қитъа ва минтақалар қатори, бизнинг мамлакатимиз, халқимиз олдига ҳам катта вазифалар қўймоқда.

Бу эса ўз навбатида бизнинг фаолиятимизни — бу ички ва ташқи сиёсат бўладими, иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий-маънавий масалалар бўладими — буларнинг барчасини ана шу кескин ва юксак талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Бугун ҳаёт шундай тез ўзгариб бормоқдаки, агар қайси инсон ёки давлат мана шу ҳолатни сезмаса, англамаса, давр ўзгаришлари, жаҳон ҳамжамияти билан уйғун бўлиб, ҳамоҳанг бўлиб қадам ташламаса, бу борада қандайдир мудроқлик ёки сусткашликка берилса, ҳаммамизга аёнки, у тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб қолади, ўз мақсад-муддаоларига етолмайди.

Биз бугун дунёда ва юртимизда кечаётган жараёнларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, улардан сабоқ ва хулосалар чиқарар эканмиз, мана шундай қараш ва мезонларга асосланиб иш тутишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда — ўзгариб бораётган замон, ҳаёт юриши олдимизга қўяётган масалалар, яъни биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган мақсадни амалга ошириш йўлидаги ишлар бугун биздан нимани талаб қилса, шунга риоя қилмасдан туриб, ҳеч нарсага эриша олмаслигимиз ҳаммамизга аниқ бўлиши шарт. Кимки, қандай вазифа ёки лавозимда ўтирмасин, бундан қатъи назар — талаб барчага тенг ва бир хил бўлиши керак.

Шу маънода, бугунги сессия йиғилишида сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан биргаликда вилоятдаги ҳозирги вазиятга танқидий баҳо бериб, кўпроқ амалий ишлар, ечилмаган муаммолар ҳақида, шу билан бирга, ишни ташкил қилиш, энг аввало, раҳбарларнинг ўз олдида турган улкан ва мураккаб вазифаларни бажариш учун элни ортидан эргаштириш, уни юксак мақсадларга жалб этиш, одамларнинг дарду ташвишларига яқин бўлиш, уларни юрагидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида очиқ гаплашиб олишни хоҳлардим.

Албатта, юртимизнинг жанубий остонаси бўлмиш Сурхон заминининг ривожланиши, кейинги пайтда вилоятда амалда намоён бўлаётган натижалар, эришилган марралар ҳақида гапирмасдан бўлмайди.

Айниқса, вилоят маркази Термизнинг қиёфаси мустақиллик йилларида бутунлай ўзгариб, нафақат 2500 йиллик тарихга эга бўлган, балки замонавий шаҳар сифатида ҳам қайта тиклангани, унинг обрў-эътибори ва нуфузи юксалаётгани диққатга сазовор. Бундай ўзгаришларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам кузатиш мумкин. Яхши биласизлар, яқин-яқингача барчамиз қўшни Афғонистон заминида тезроқ осуда ҳаёт қарор топишини орзу қилар эдик.

Чунки бу мамлакатда тинчлик ва хавфсизликнинг ўрнатилиши, Амударё узра жанубга йўл очилиши, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, қадимий борди-келди анъаналаримизнинг қайта тикланишидан биринчилар қаторида Сурхон вилояти ҳам наф кўришини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун, шукрки, ана шу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Термиз-Ҳайратон кўприги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини етказиб беришдек хайрли ишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуанин 2 июнь куни Ўзбекистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Тоҳир Муллажонов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Тошкентда ўтажак ШҲТ саммитига тайёргарлик, икки мамлакатнинг хавфсизликни таъминлаш, терроризмчиликка ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлиги ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ОРОЛНИНГ ОЛТИН МЕРОСИ

Қорақалпоғистон миллий ҳунармандчилиги ўзига хос бой анъаналарга эга. Қорақалпоқ заргарлари, гилам тўқувчилари, каштачиларининг бой мероси йиллар оша авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Голландиянинг NOVIB ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланаётган «Оролнинг олтин мероси» жамоатчилик бирлашмаси ана шу меросни қайта тиклаш, уни ёшларга ўргатиш борасида 1997 йилдан буён фаолият кўрсатяпти. Шу давр ичида бу ерда ўнлаб хотин-қизлар бир неча хил ҳунармандчилик сирларини ўрганишди. Уларнинг ишлари Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон ва Америкада бўлиб ўтган кўргазмаларда намойиш этилди.

Яқинда бирлашма аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашувчи навбатдаги лойиҳа асосида янги хайрли ишларга киришди.

— Бунга кўра, — дейди бирлашма раҳбари Гулнора Ембергенова. — Қўнғирот, Мўйноқ, Чимбой туманларида миллий ҳунармандчилик турларини янада кенг ўрганиш ва уларнинг ривожи учун яхши шароитлар яратиш орқали ишсизликнинг камайишига эришилади.

Арзон маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, жумладан, жун йигириш ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қамишдан уй жиҳозлари ҳамда совғабоп буюмлар ясашга асосий эътибор қаратилади.

Яна бир муҳим нарса — энди ҳунармандлар «Оролнинг олтин мероси» бирлашмаси қошидаги ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш марказидан ўз фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида бошланғич сармоя сифатида кредит дизайн, маркетинг ва менеджмент бўйича маслаҳатлар, ҳуқуқий кўмак олишлари ҳам мумкин.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА**

## «КОНИМЕХ РУНО» ИШ БОШЛАДИ

**Навоий вилоятида Ўзбекистон — Тожикистон амалий ҳамкорлигининг маҳсули — замонавий «Конимех руно» қўшма корхонаси иш бошлади**

Олис чўл тумани Конимехда очилган мазкур қўшма корхона ойига 95-100 тонна қўй жунини сунъий «нитрон» толаси билан қўшиб йигиради ва калавалайди. Жаҳон стандартлари андозасида калаваланган гиламбоп жун иплари ҳозироқ Наманган, Фарғона гилам тўқиш фабрикаларига жўнатилмоқда. 651 минг АҚШ доллари ҳисобига ташкил топган корхонага Тожикистоннинг «Коври каракула» фирмаси, Конимехнинг «Қизилқум», «Абай» «Сарбил», «Конимех» ширкат хўжаликлари муассис бўлишди.

— Бу ҳали ишнинг бошланиши, — дейди корхона раҳбари Алмат Қулатов. — Яқин орада калаваланган ипларни европаликлар тажрибаси асосида ранглаб, Конимехда Бельгияники каби бежирим гиламлар ҳам ишлаб чиқармоқчимиз...

Вилоят ҳудудида бугунги кунда бир миллиондан зиёд қоракўл қўйлари боқилмоқда. Бу янги ташкил топган қўшма корхона учун жун хомашёси сероб, дегани. Яна бир муҳим жиҳати, 225 нафар конимехлик йигит-қиз турғун иш ўринлари билан таъминланди. Эрта-индин бу ерда корхонанинг иккинчи навбати ҳам иш бошлагач, яна 325 нафар киши янги иш жойларига эга бўладилар.

**Музаффар ШАРОПОВ**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан*

## МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

### туман партия кенгашлари пленумларида яққол сезилиб турди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қоровулбозор, Когон, Ғиждувон туман кенгашларининг пленумлари расмиятчиликдан холи, ўзаро мулоқот, ошкора танқид руҳида ўтди.

— Айрим депутатларимиз ўз сайловчилари билан учрашганларини кўрган эмасман, — деди «Ғиждувонпахтатозалаш» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби Шоди Ҳожиев. — Депутат сўрови деган нарса бор. Лекин нега ундан фойдаланишмайди? Халқ дардига қулоқ солиш ҳам керак-ку! Эндиги сайловларда номзод танлашда адашмаслигимиз керак.

Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши депутати Нусрат Ҳасанов кўпчиликнинг диққатини партия обрўсини оширишга ҳар бир ХДП аъзоси масъуллиги масаласига қаратди.

— Бунинг учун, — деди у, — сафларимиз кенгайиши, мақсад ва масъулият ҳисси уйғунлашиши керак. Ҳар биримиз биттадан ёш йигит-қизни, аниқроғи, оиламиз аъзолари, ҳамкасб ва маҳалладошимизни партия сафига олиб келсак, сайловларда шунчалик кўп овозга эга бўламиз.

— Дарҳақиқат, шундай. Энди ошкора курашиш пайти келди. Бунда, албатта кучлилар — халқ ҳурматини қозонган, сафларида жонкуяр инсонлар жипслашган, аниқ мақсадни кўзлаган сиёсий партиягина ютиб чиқади, — деди халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши депутати Нурмат Курбаев. — Туманимизда эса худди шундай куч мавжуд.

Туман кенгашлари пленумларида нотиқлар ижтимоий ҳимоя, интизомли бадал тўловчи бўлишга эришиш, муҳокамаси давом этаётган ЎзХДП Устави (янги таҳрири)нинг лойиҳаси ҳақида жўяли мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Пленумларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

### «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Матбаа, реклама,ноширлик иши ва ўраш материаллари — UzPrintMedia — 2004» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси очилди

Британиянинг ITE Group Plc халқаро кўргазма компанияси ва UEF компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмагида ташкил этилди.

Бу ерда Германия, Россия, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа ўнлаб хорижий давлатларнинг 20 дан ортиқ компаниялари қатнашмоқда. Кўргазма бўлимларида матбаа маҳсулотлари, матбаа машиналари, технологиялари, матбаа хизматлари, тайёр маҳсулот, ўраш ускуналари, ноширлик иши, реклама технологиялари, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, дизайн ва эсдалик совғалари намойиш этилмоқда. Шунингдек, кўргазма доирасида «Реклама ва дизайн» миллий танловини ўтказиш ҳам мўлжалланган.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

## «САЁТ»НИНГ МУЗҚАЙМОҒИ

Хива туманидаги «Саёт» қишлоғидан тадбиркор Ўктам Мадаминов ўз фермер хўжалигида ишлаб чиқараётган сутни тайёр маҳсулот сифатида сотишни ният қилиб, икки йил муқаддам банкдан 215 минг АҚШ доллари миқдорида қарз олганди. Шундан сўнг у Италиянинг «Фенко» компаниясидан соатига 128 килограмм «Эскимо» музқаймоғи ишлаб чиқарувчи тизим харид қилди. Маҳсулот харидоргир чиқиб, олинган қарз узилиб кетди.

Тадбиркор ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, яқинда бир кунда 16 минг дона ёки беш тонна миқдорида қадоқланган музқаймоқ ишлаб чиқарувчи янги цехни ҳам ишга туширди. Бугунги кунда ҳуштаъм, чанқовбосди музқаймоқ вилоят аҳолиси ва бошқа ҳудудларга чиқарилаётгани билан бирга юз нафарга яқин киши муқим иш билан ҳам таъминланди.

**Рўзимбой ҲАСАН**

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Афғонистон ҳудудида йўл ва кўприклар, коммуникация тармоқларини барпо этишда халқимиз вакиллари, шу жумладан, сурхондарёлик қурувчи ва мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси жанубий сарҳадларимизда тинчликни таъминлаш, вилоятга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бу ерда ўзгариш ва янгиланишлар, бунёдкорлик жараёнини осойишта шароитда давом эттириш имконини бермоқда. Халқимиз «Қўшнинг тинч — сен тинч» деб бежиз айтмаган.

Сурхондарё вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожини юксалтириш мақсадида сўнгги йилларда республика ҳукумати томонидан бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини, хусусан, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши жадал суръатларда давом эттирилаётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Бу темир йўл тармоғи ишга тушганидан кейин вилоятнинг табиий заҳираларга, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой бўлган бир қатор ҳудудларини, бугун оғир муаммоларни ечаётган туманларимизни мамлакатимизнинг ягона коммуникация тизими билан боғлаш, бу бойликларни ўзлаштириш ва халқимиз манфаати йўлида ишлатиш, ишсизликни камайтириш, оилаларга кўпроқ даромад келишини таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Бу ерда амалга оширилаётган яна бир улкан лойиҳа — Тўполон сув омбори қурилиши ҳам давом этаётганидан, ўйлайманки, яхши хабардорсиз. Ўзига 500 миллион куб метр сувни сиғдира оладиган ушбу йирик иншоот қуриб битказилганидан сўнг вилоятда деҳқончиликни ривожлантириш йўлида янги уфқлар очилади. Буларнинг барчаси мана шу воҳада яшаётган одамлар учун ҳар тарафлама қулайликлар туғдириши, уларнинг ҳаётини фаровон этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сурхон заминидаги ижобий ишлар қаторида кейинги пайтда вилоят меҳнаткашларининг об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, ғалла ва пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажаришга эришганларини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ва мана шу фурсатдан фойдаланиб, мураккаб иқлим шароитида мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштираётган миришкор деҳқонларга чин қалбимдан ўзимнинг миннатдорлигимни билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу билан бирга, воҳада халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам ижобий силжишлар борлигини таъкидлаш жоиз. Биргина 2003 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,3 фоизни ташкил этгани вилоят иқтисодиётида ривожланиш суръати ошиб бораётганидан далолат беради.

Вилоятдаги асосий магистрал йўлларнинг замон талаблари даражасида таъмирлангани, янги корхоналар, лицей ва коллежлар, боғ-роғлар, кўркам турар жой ва бинолар барпо этилгани ободончилик ва қурилиш соҳасида ҳам муайян ишлар қилинаётганини кўрсатади.

Лекин вилоятдаги бугунги аҳволга холисона кўз билан қараб, хулоса чиқарадиган бўлсак, охирги пайтда кўпгина соҳаларда — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ёки маданият бўладими — жиддий қолоқликка, хато ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини таассуф билан қайд этиш даркор.

Айниқса, юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг қисқа вақт ичида айниб, ўз масъулиятини йўқотиши натижасида вилоятда маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳақида, аҳолида, одамларда норозилик уйғотаётган номаъқул ишлар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз зарур. Чунки Сурхон заминида тўғри сўзни, мардлик ва ориятни юксак қадрлайдиган, Алпомишнинг авлодлари бўлган самимий, ғурури баланд инсонлар яшайди. Улар ютуқни ютуқ деб, камчиликни камчилик деб, юзга очиқ айтганни маъқул кўради. Оқил, кўпни кўрган халқимизда, «Касалликни қанча яширсанг, охир-оқибат иситмаси барибир ошкор қилади» деган бир нақл бор.

Шунинг учун юқорида тилга олинган касаллик газак олмасидан, чуқур илдиз отмасидан олдин бундай нохуш вазият, муҳит пайдо бўлишининг сабабларини очиб бериш ва уларни бартараф этиш барчамизнинг бурчимиз деб ҳисоблайман.

Ортиқча гапларни четга суриб, ҳақиқатни пўстлоғидан ажратган ҳолда, очиқ айтадиган бўлсак, бундай вазиятнинг юзага келишига аввало вилоятнинг юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган одамларнинг, шахсан Тошмирзо Қодировнинг охирги қисқа вақт мобайнида ўзини бутунлай йўқотиб қўйгани асосий сабаб бўлмоқда.

Унинг ўз вазифасини тўғри тушуниб етмагани, ишни замон талаблари асосида ташкил этишдаги заифлиги, мана шу элга бош бўлишдек масъулиятли вазифани адо этишда ўзини кўрсата олмаганини ҳақида гапиришга бугун барча асосларимиз бор. Биз бундан икки йил муқаддам мана шу залда сизлар билан маслаҳатлашиб, Тошмирзо Қодировга ёш, билимли раҳбар сифатида ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилоятига ҳоким этиб тасдиқлаган эдик.

Дастлабки пайтда у ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун ҳаракат қилганини, ишда бирмунча ижобий натижаларга эришганини айтиб ўтиш керак.

Лекин Сурхон воҳасида вужудга келган бугунги вазият, ижтимоий соҳалардаги тобора кучайиб бораётган муаммолар, кўпгина муҳим масалаларнинг назардан четда қолиб кетаётгани, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, энг муҳими — ҳокимнинг ўз юриш-туриши, атрофдаги, умуман, оддий одамлар билан муомаласи, ўзини тутиши барчамизни ташвишга солмоқда.

Раҳбарлик лавозимига — масъул вазифага тайинланадиган одамлардан нималар талаб қилинади, улар қандай хусусият ва фазилатларга жавоб бериши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Биз кўпинча раҳбар қатъиятли, билимдон ва талабчан бўлиши керак, деймиз. Ҳеч шубҳасиз, раҳбар учун бу фазилатлар сув билан ҳаводай зарур, лекин ҳозирги замонда фақат шуларнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди.

Раҳбар қачон эл-юрт ишончини, эътиборини қозона олади?

Қачонки, юраги, қўли тоза, кўнгли очиқ, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан билим, талабчанлик билан адолат уйғун бўлса, у ўзи бошқарадиган одамларнинг ғам-ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса.

У ўзининг иссиқ истараси бўладими, муомаласи бўладими, қандайдир бошқа ижобий жиҳати биланми, одамларнинг эътиборини ўзига тортадиган, бир сўз билан айтганда, халқнинг кўнглига йўл топа оладиган бўлиши шарт.

Раҳбар энг мураккаб, энг мушкул вазиятларда ҳам одамларни кўндириш, уларни баъзи бир ножўя ишлардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариш ва жамоада, туман ёки вилоятда соғлом вазият, соғлом иқлим барпо эта олиш салоҳиятига эга бўлиши даркор. Биз бугун юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик, эркин жамият қуриш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш, унинг ақл-заковати ва қобилияти, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишни ўзимизнинг бош вазифамиз сифатида белгилаб олганмиз.

Шундай экан, бизнинг Конституциямизда инсон манфаати давлат манфаатларидан устун қўйилган экан, биз бугун барпо этаётган янги жамиятда халқ раҳбарларга эмас, аксинча, раҳбарлар халққа хизмат қилиши керак, деган талаб асосий қоида бўлиши даркор. Лекин, афсуски, бу олижаноб ғояни, мана шундай интилишни жойларда айрим мансабдорлар томонидан тўғри тушунмаслик, баъзан эса мутлақо унутиб қўйиш ҳоллари учраб туришини ҳам тан олишимиз керак.

Раҳбарнинг обрў-эътибори унинг кийими ва кўринишида, савлату салобатида, қовоқ-димоғида, ўзига бино қўйишида эмас, балки аввало унга ишонч ва ҳурмат билдирган сайловчилар ва фуқароларга бўлган самимий муносабатида, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади. Лекин, минг афсуски, шу оддий ҳақиқатни лавозим курсисида ўтирган кўпгина амалдорлар ҳали-бери англаб етмаяпти.

Т.Қодировнинг фаолиятига айнан мана шундай кўз билан қараб, баҳо берадиган бўлсак, таассуфки, унинг раҳбар сифатида ижобий ишларидан кўра салбий хусусиятлари кўпроқ кўзга ташланганига гувоҳ бўламиз.

Албатта, ҳар қандай раҳбар ҳам авваламбор инсон, унинг ҳам ўзига яраша фазилат ва камчиликлари бўлиши, у ҳам кимнидир ёқтириши, кимнидир хушламаслиги мумкин. Лекин қонун ва ҳуқуқий мезонларни писанд қилмаслик, одамлардан узилиб қолиш, манманлик раҳбар учун мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлардир.

Қодировнинг асосий айби ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у ўзига давлат, халқ томонидан берилган ваколатни ўзбошимчалик деб, талабчанликни зўравонлик деб тушунган, шундай ёндашувни иш услуби ва қоидасига айлантириб олган. Табиийки, раҳбар деган одам ҳар қайси соҳа, тармоқ ва конкрет ишни, унинг сирларини шу вазифаларда ўтирган мутахассислардан кўра кўпроқ биламан, деб ўйласа ёки ҳис қилса — бу қип-қизил калтабинлик ва аҳмоқона қараш, десак, хато бўлмайди.

Ҳокимнинг вилоят ҳаётига чуқур кириб бормасдан, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, молия-бюджет масалаларини пухта билмаган ҳолда, фақат буйруқбозлик, дўқ-пўписа билан иш юритишга берилиб кетгани қандай хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ва албатта, биринчи раҳбар феъл-атворидаги бундай камчиликлар нафақат иқтисодий соҳага, авваламбор, вилоятдаги маънавий муҳитга салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бунинг исботини кўриш учун вилоятдаги айрим соҳа ва йўналишларда мавжуд бўлган ҳолатларга мурожаат қилиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда ҳар қайси вилоят ва туман ҳокимининг диққат марказида туриши керак бўлган бозор муносабатларини шакллантириш, кичик ва хусусий бизнес, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш масалаларини олайлик.

Хусусан, бугун қишлоқда асосий куч сифатида майдонга чиқаётган фермерлик ҳаракати йўлида Сурхондарё вилоятида ҳалигача турли ғов-тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Биргина мисол. Шўрчи туманидаги У.Дониёров номли ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши «Қосим-ХБК» фермер хўжалиги учун 10 гектар ер ажратиб бериш ҳақида қарор қилганига қарамай, хўжалик раиси Х.Қорақулов, туман ер ресурслари бўлими бошлиғи М.Ашуров бу қарорни бажариш ўрнига, сансалорликка йўл қўйган.

Фақат суд аралашувидан кейингина масала ижобий ҳал этилган.

Бугунги кунда ерда меҳнат қилиб оиламни боқаман, ўз ишимни очиб, эл-юртга ҳам фойда келтираман, деган ният билан юрган фермер ва тадбиркорларнинг турли идоралар эшигида сарсон бўлаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Вилоятда кичик ва хусусий бизнес соҳасига мана шундай лоқайдлик билан қараш, амалий ёрдам бермаслик оқибатида уларнинг хўжалик судларига ариза ва шикоятлари 2002 йилга нисбатан ўтган йили 75 фоизга ўсгани шуни кўрсатади.

Шуниси қизиқки, ерни фермерга қонун асосида беришни пайсалга соладиган баъзи раҳбарлар ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ва талон-торож қилиш ҳолларига панжа орасидан қарайди.

Акс ҳолда, 2003 йили Шеробод туманида 66 гектар, Қизириқ, Узун ва Бандихон туманларининг ҳар бирида пахта ва дон экишга мўлжалланган 8-10 гектар ер майдонларига бошқа экинлар экилган бўлармиди?

2004 йилда яна 77 гектар ердан мақсадга хилоф равишда фойдаланиш ҳолати аниқлангани бу касаллик вилоятда илдиз отиб бораётганидан далолат беради. Ёки вилоятдаги тўлов интизоми масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, бу борада ҳам аҳвол қониқарсиз экани аён бўлади.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, дебиторлик қарзлари — 4 миллиард 74 миллион сўмга, кредиторлик қарзлари эса 8 миллиард 245 миллион сўмга етгани буни исботлаб турибди. Бундай ҳолат ўз навбатида корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Айниқса, баъзи корхона ва хўжаликларда ишчи-хизматчиларнинг маошлари ўз вақтида тўланмаслиги ҳақли равишда меҳнаткашларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда. Бундай муаммоларнинг сабаби вилоятда пул тушумини таъминлаш, солиқларни ундириш масаласига етарлича эътибор берилмаётгани билан боғлиқлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат солиқ идоралари томонидан чакана савдо қоидаларини бузган 36 та корхона бўйича маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар киритилган бўлса-да, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаганини қандай тушуниш мумкин?

Ўйлайманки, бунинг жавоби аниқ — бундай раҳбарлар ўз қўл остида юрган қонунбузарларни ўзлари ҳимоя қилади.

Вилоятда хуфиёна иқтисодиёт ва нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига қарши кураш борасида ҳам қатор камчиликлар мавжуд.

Масалан, биргина Термиз туманидаги «Жарқўрғон-Сурхон» корхонасида ўтказилган текшириш натижасида 206 миллион сўмдан зиёд пул банкка топширилмагани, 540 минг сўмлик савдо тушуми эса назорат-касса аппаратидан ўтказилмагани аниқланган.

Афсуски, бундай мисоллар оз эмас.

Термиз туманидаги «Қизилбей» савдо ишлаб чиқариш корхонасида қарийб 95 миллион сўм, вилоят марказидаги «Мулки жаҳон Термиз» фирмаси дўконида 26 миллион сўм, Денов шаҳридаги «Аслсервис» фирмасида 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ банкка топширилмаганига нима дейиш мумкин?

Мана шундай қонун бузилишлари натижасида вилоятда 2004 йилнинг дастлабки тўрт ойида савдо тушумининг товар айланмасидаги улуши 56,2 фоизни ташкил этган. Бу нимага олиб келишини ҳаммангиз яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Бундай салбий ҳолатлар бошқа соҳаларда ҳам учрайди. Қонунга зид равишда, контрабанда йўли билан олиб ўтилаётган товар-моддий бойликларни бюджет ҳисобига ўтказиш бўйича туширилган маблағ ўтган йили ҳаммаси бўлиб 36 миллион сўмни, яъни республика бўйича туширилган маблағнинг атиги бир фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, вилоят қўшни давлатлар билан чегарадош бўлиб, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг асосий дарвозаларидан биридир. Айланма йўллар билан Тожикистонга ун, минерал ўғит ва бошқа маҳсулотларни ташиб ўтиш ва четдан турли товарларни контрабанда йўли билан олиб келиш ҳолатлари ҳамон давом этмоқда.

Мисол учун, Узун туманидаги Б.Очилдиев номли ширкат хўжалигида яшовчи О.Мирзаев 15 тонна ун маҳсулотини, О.Қаршиев эса 31 тонна ем озуқасини мамлакатимиздан ташқарига қонунга хилоф тарзда олиб чиқиб кетаётганида ушланган.

Шу йил 8 апрель куни Термиз туманида яшовчи Р.Султонов ва Денов туманида яшовчи С.Шарипов ўзларига тегишли «КамАЗ» автомашинасида умумий қиймати 27,6 миллион сўмлик спиртли ичимликларни қалбаки ҳужжатлар билан расмийлаштириб олиб кетаётганида қўлга олинган.

Текширув ишлари давомида вилоят ҳокимининг акаси бўлган Абдулхолиқ Қодировнинг қўшни Тожикистон Республикасидан 1 миллион 700 минг сўмлик товарларни қонунга зид равишда олиб келгани аниқланган.

Бундан ташқари, бу «уста тадбиркор» вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига 128 миллион сўмлик эҳтиёт қисм ва қурилиш материалларини ҳеч қандай тендер савдосисиз пуллашга муваффақ бўлган.

Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмасининг Музработ тумани филиали мудири Х.Даминов бош ҳисобчи Ф.Маматмуродов ва омбор мудири Х.Тошқулов билан келишиб, 49 миллион 218 минг сўмлик минерал ўғитни сохта ҳужжатлар асосида талон-торож қилиб юборган. Савол туғилади: бундай бепарволик, хуфиёна ишлар, аниқроқ айтсак, қоидабузарликдан ким манфаатдор? Шу ишларни тартибга солиши лозим бўлган мутасадди идоралар қаёққа қараяпти?

Айниқса, ёш авлодни тарбиялашга масъул бўлган айрим таълим муассасаларидаги бемаза ишларга, болаларнинг ризқига хиёнат қилиш ҳолатларига қандай чидаш мумкин?

Вилоят «Ўқувтаълим-таъминот» корхонаси раҳбари Н.Ёқубов ва омбор мудири Э.Эшмуродов ўқувчиларга бепул бериладиган 80 миллион сўмлик кийим-кечак ва ўқув жиҳозларини қонунга хилоф равишда сотиб юборган.

Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Т.Нормуродов бош ҳисобчи М.Худойқулов билан бирга ўқитувчиларнинг 16 миллион сўм, Шўрчи туман халқ таълими бошлиғи Н.Эшназаров эса бош ҳисобчи Д.Бекмуродов билан биргаликда 17 миллион сўм иш ҳақини ўзлаштириб юборган. Наҳотки, ақлга сиғмайдиган бу ишларни вилоятда ҳеч ким сезмаган, билмаган бўлса?

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ масалаларда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, вилоят ҳокимининг кадрларни ишчанлик қобилияти, тажриба ва малакасига қараб эмас, балки биринчи навбатда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, шахсий садоқатига қараб танлашни ўзига одат қилиб олганини айтишга тўғри келади.

Мисол учун, вилоят ҳокимининг яқин таниши бўлмиш, илгари судланган, сохта диплом асосида Сариосиё пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлаб келган М.Расулов вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига раис этиб тайинланган. Сариосиёлик F.Фаттоев ҳам ана шундай йўл билан вилоят ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси лавозимини эгаллаган.

Кейинги икки йилда вилоят миқёсидаги лавозим курсиларига ўтказилган вилоят машина-трактор парки бирлашмаси раиси Ҳ.Жўрақулов, Каттақум акциядорлик жамияти раиси Қ.Панжиев, Аму-Сурхон бошқармаси бошлиғи Ш.Махсимовлар ҳам таниш-билишчилик асосида ишга тайинланганини текшириш жараёнида аниқланди.

Энг ёмони, вилоят ҳокими ўз атрофидаги мана шундай хушомадгўй ва югурдакларининг гапига кириб, шахсий адоватга берилиб, кадр ва мутахассисларга уларнинг ишига қараб эмас, ўзига ёқиш ёки ёқмаслигига қараб муносабатда бўлган.

Айниқса, шу Сурхон воҳасининг ривожига кўп хизматлари сингган, ҳалол меҳнати билан эл-юрт орасида обрў қозонган, тажрибали, тадбиркор инсонларни менсимаслик, уларнинг фикрларини назарписанд қилмаслик, одамларнинг шахсиятига тегиш ҳолатлари ҳар қандай кишини ҳам ранжитади.

Ишончим комилки, мана шу залда ўтирганлар бундай мисолларни кўплаб билади.

Мен фақат битта мисол келтирмоқчиман.

Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев республикамиздаги машҳур хўжалик раҳбарларидан бири.

Ҳаётда кўп нарсани кўрган, деҳқончилик илмининг устаси бўлган мана шу ҳурматли оқсоқолга нисбатан ҳам вилоят ҳокими томонидан тазйиқлар ўтказилганига, бир неча бор уни ҳеч қандай асоссиз ишдан олиб ташлаш учун уринишлар қилганига нима деса бўлади?

Халқимиз бекорга «Одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал, лавозим бериб кўр», демайди. Т.Қодировга ўхшаш раҳбарлар фаолиятидаги мана шундай ачинарли ҳолатларни кўрганда, киши беихтиёр бу нақлда қандай чуқур маъно ва ҳақиқат борлигига яна бир марта иқрор бўлади.

Қадрли дўстлар!

Биз Т.Қодировни вилоят ҳокими вазифасига тасдиқлаганимизда, у Сурхон элини бир мақсад йўлида бирлаштиради, бошини қовуштиради, керак бўлса, ибрат ва намуна кўрсатиб, одамларни ўз ортидан эргаштиради, деб умид қилган, бу вазифанинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳақида гапирган эдик.

Мансаб курсисига ўтирган ҳар қайси одам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслиги керак: раҳбарга лавозимни, обрўни шу эл-юрт беради, лекин лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқат, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, бу ҳақиқатни Т.Қодиров ўз вақтида тушуниб, англаб етмади, иш фаолиятида унга амал қилмади. Бугунги вазият Т.Қодировни ўз вазифасидан, яъни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилишни талаб этади. Бу бўйича Т.Қодировнинг берган аризаси бор.

Ижозатингиз билан ана шу масалани овозга, сизларнинг тасдиғингизга қўймоқчиман.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилиб, шу тўғрида сизлар билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Бугунги тажриба, айтиш керак, аччиқ тажрибамиз шуни кўрсатадики, бирон вазифага номзод тайинлашда шу номзодлар лавозим курсисига ўтиргандан кейин, аксарият ҳолларда, берган кўпгина ваъда ва мажбуриятларини эсдан чиқариб қўяди.

Уларнинг тез вақт ичида бутунлай ўзгариб кетиши, халқдан узоқлашиб, ақлини йўқотиб қўйиши, ўзини худдики, бу вазифа унга ота-бобосидан мерос қолгандек тутиши, бошқалардан қонунга итоат қилишни талаб этиб, ўзининг қонунларни бузиши — мана шундай хунук ҳолатлар ва кўринишларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин.

Бу касалликнинг асосий илдизлари ва сабабларини излаш, унинг ечимини топиш, ўйлайманки, бугунги куннинг энг оғир ва мураккаб вазифаларидан бири десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, Т.Қодировни олсак, у Сариосиё туманида ҳоким бўлиб ишлаган даврида ўзининг кўзга кўринган ҳаракатлари ва амалий ишлари билан шу туманда яшаётган, меҳнат қилаётган кўпчилик одамларнинг ҳурматини қозонгани сир эмас. Орадан кўп ўтмасдан вилоят ҳокими лавозимига кўтарилгандан кейин ҳам у биринчи йили ёмон фаолият кўрсатмаган, анча самарали ишларга бош қўшган.

Лекин охир-оқибатда бу раҳбарнинг мана шундай тез ўзгариб, бутунлай издан чиқиб кетганини, ўйлайманки, қандайдир изоҳлаш, тушунтириш осон эмас.

Албатта, ҳар қайси одамнинг ҳақиқий қиёфасини, унинг иродаси бақувватлиги ёки имони бутунлигини тўла англаш ва сезиш — бу ҳам ўта мушкул вазифа.

Халқимизнинг, қовуннинг палаги тоза бўлса, ҳеч қачон айнимайди, деган мақолида чуқур маъно бор. Яъни, бошқача айтганда, одамнинг аждоди, насл-насаби тоза бўлса, унинг фарзандлари ҳам шундай бўлади.

Лекин, шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, нафс балосига қарши туриш, ундан ўзини асраш ҳар қандай одамнинг, жумладан, катта ваколат ва имкониятга эга бўлган раҳбарларнинг ҳам қўлидан келавермас экан ва минг афсуски, бугун кўп жойларда бундай номақбул ҳолатларни кўрмоқдамиз.

Бундай ўта мураккаб муаммонинг ечимини топиш мумкинми, деган савол туғилади. Бугун биз демократик, ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этаётган бир пайтда, бу масалани ечиш йўллари барчамизга аниқ бўлиши зарур. Биз бу масаланинг биринчи ва асосий ечимини жамият ҳаётида ошкоралик тамойилини ўрнатишда кўришимиз керак.

Ошкораликни ҳаётимизнинг барча соҳаларида — бу кичик жамоа бўладими, туман ёки вилоят бўладими, республика бўладими — ҳамма жойда қарор топтиришимиз, бўлаётган ишларни халқимиз, жамоатчилигимиздан сир тутмаслигимиз керак. Барча-барча ишларимиз очиқ ва ошкора тарзда ўтиши шарт.

Иккинчидан, рўй бераётган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун жамоатчилик назоратини, шу жумладан, депутатлик назоратини тубдан ўзгартиришимиз, унинг таъсирчанлигини оширишимиз керак.

Демоқчиманки, ҳар қайси раҳбар, у туман, шаҳар, вилоят ҳокими бўладими ёки ваколат олган давлат ходими бўладими, вилоят ва туман кенгашларида, керак бўлса, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари мажлисларида мунтазам равишда ҳисобот бериши лозим. Биз раҳбарлар фаолиятига шу асосда баҳо бериб, тегишли хулоса чиқариш тартибини қоғозда эмас, амалда жорий этишимиз керак.

Бу муаммони ечишнинг яна бир йўли шуки, биз халқимиз ҳаётига бевосита алоқадор бўлган кўпгина масалалар ҳамда уларни ҳал қилиш ваколатлари ва жараёнини республикадан вилоятларга, вилоятлардан эса жойларга кўпроқ ўтказиб боришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу йўналиш бўйича фаолиятимизни такомиллаштириш устида доимо иш олиб боришимиз, жамоатчилигимизнинг ижтимоий ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишимиз даркор.

Лекин бундай чора-тадбирлар қаторида энг муҳими — қонуннинг бажарилишини ва қонун олдида барчанинг тенглигини сўзда эмас, амалда таъминлашимиз зарур. Такрор айтаман, қонун олдида барчанинг тенглигига ва бу жараённинг муқаррарлигига оддий фуқаро тўла ишонч ҳосил қилиши бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Шу нуқтаи назардан вилоят мисолида гапирадиган бўлсак, вилоят ҳокими — ҳокимлигини қилсин, депутатлар кенгаши — халқ ноиблари, яъни халқ вакиллари деб ваколат олганлар ўз ишини — назорат ишларини бажарсин, суд эса, уларнинг ҳаммасига бир кўз билан қараб, ўз ишини — вилоятда адолатни қарор топтириш вазифасини адо этсин.

Ижтимоий ҳаётимизни шу даражага, шу марраларга кўтаришга, ана шу принципларни амалда таъминлашга эришган тақдирда, ўйлайманки, бугун тажрибамизда учраётган кадрлар масаласидаги мана шундай ачинарли ҳолатларнинг олдини олишга муваффақ бўламиз.

Мана шу фикрларни инобатга олган ҳолда, чуқур ўйлаб, сиз, ҳурматли депутатлар билан бамаслаҳат вилоятнинг янги раҳбари ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Биз бу масалада ҳаётнинг паст-баландини, кўпни кўрган оқсоқоллар, шу заминнинг муаммоларини яхши тушунадиган фаоллар билан кенгашиб, уларнинг фикрини олдик. Ва Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасига бу ернинг шарт-шароити ва одамларини яқиндан биладиган, ҳозирги пайтда Денов тумани ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Абдулҳаким Эшмуродов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ана шу масала бўйича ҳам ўз фикрингизни билдиришни сўрайман.

Азиз дўстлар!

Ишончим комилки, ҳозиргина сизлар билан сайлаб олган янги раҳбар бугун бу ерда айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, мана шу заминни обод қилиш йўлида ҳаётнинг ўзи илгари сураётган долзарб вазифаларни ҳал қилишда сиз, вилоят фаоллари, бутун Сурхон аҳлига таяниб ва суяниб иш олиб боради. Шу йўлда сизга, бутун вилоят аҳлига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

**Болалар спорт**

## ЁШ КУРАШЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент Темирйўл муҳандислари институти спорт саройида болалар ва ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича шаҳар очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Унда пойтахтликлардан ташқари, Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятидан келган 150 нафардан ортиқ қатнашчи ғолиблик учун беллашдилар. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни мезбонлар эгаллашди.

— Биринчилик якуни шуни кўрсатдики, юнон-рум курашига бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. — дейди мусобақа бош ҳакамы Расим Байрамов. — Айниқса, менда Сурхондарё вилояти ёш полвонлари илиқ таассурот қолдирди. Беллашувларда илк маротаба қатнашишларига қарамай, воҳадан ташриф буюрган олти курашчидан уч нафари совриндорлар қаторидан жой олди.

— Тўрт йилдан буён юнон-рум кураши билан шуғулланаман, — дейди сариосиёлик Жасур Нурлибоев. — Туман ва вилоятда ўтган мусобақаларда 32 кг. вазн тоифасида ғолиб бўлгандим. Бу галги биринчиликда Самарқанд, Тошкент вилояти ва пойтахтлик рақибларимни енгиб чемпион бўлдим. Шундай катта мусобақаларда кўпроқ қатнашсам, халқаро турнирларда ҳам ғалаба қозонсам дейман.

## ЧИКАГОДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

Чикагода (АҚШ) шаҳар мэри ташаббуси билан болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Дунёнинг ўнга яқин давлатидан спортчилар қатнашган мазкур мусобақада ёш каратэчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Вакилларимиз 6 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин иккинчи ўринни эгалладилар.

Кумитэ бўйича яккалик беллашувларда Жасур Қаюмов, Шоҳжаҳон Панжиев, Достон Турғунов, Фузаил Маҳмудов, Рустам Рўзиев ҳамда Элмурод Мадраҳимовлар олтин медалларни қўлга киритиб, терма жамоа ғалабасига муносиб ҳисса қўшди. Ёш каратэчиларимиздан Амирбек Ҳакимов, Сардор Назаров, Беҳзод Мардоновлар бронза медали билан тақдирланди.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Тиббиёт янгиликлари**

## ОНА ВА БОЛА — ВАТАН КЕЛАЖАГИ

Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Наманган филиалининг қайта таъмирлашга топширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айни пайтда филиалнинг 1-2 акушерлик-гинекология, ҳомиладорлар патологияси, оналар ва чақалоқлар реанимацияси, биохимик лаборатория, аёллар маслаҳатхонаси бўлимларида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Филиалнинг маъмурий биносида ҳам анжуманлар зали, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, дорихона, репродуктив саломатлик маркази, Интернет тармоғига уланган компьютер тизимлари учун махсус хоналар мослаштирилиб, жаҳон андозалари даражасида таъмирдан чиқарилмоқда.

Мавжуд олтита туғуруқ зали 14 тага, 3 та жарроҳлик хонаси 6 тага етказилиб, уларда қарийб 550 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Водийда ягона бўлиши кутилаётган ушбу филиал таъмирдан тўла чиқарилгач, Андижон ва Фарғона вилоятларидан келган беморларга ҳам юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилади.

Бу ерда ўрнатилган электрон почта орқали юборилган маълумотларга қараб, касаллик юзасидан Тошкент, Москва, Англияда фаолият юритаётган мутахассислар билан фикрлашиш, ташхислаш ҳамда бошқа вилоятлардаги жарроҳлик амалиётларини экран орқали назорат қилиб, маслаҳат олиш ёки тавсия бериш имконияти бўлади. Бу эса филиалда илмий изланишлар олиб бораётган ёш аспирантлар билимининг бойишида ва шифокорлар тажрибасининг ошишида жуда муҳимдир.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалий ёрдами билан Финляндиянинг «Медико-медикал» фирмаси томонидан 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида тиғсиз жарроҳлик муолажаларида ишлатиладиган лепороскоп, гистороскоп, иммунофермент, анализатор, наркоз аппарати, микроастурб, тромбоэлектрограф, амалиёт столлари каби замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилиши билан лапароскопик амалиётларни оворагарчиликларсиз шу ернинг ўзида бажариш имкони туғилади.

— Амалга оширилаётган ишлар аввалгидек оддий таъмир эмас, — дейди филиал директори, тиббиёт фанлари номзоди Рустамжон Жалолов. — 6 гектар майдонни эгаллаган 4 та блокда бажарилаётган иш сифатини ўзимиз ҳам бевосита кузатиб боряпмиз. Жамолхон Мамажонов бошчилигидаги «Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 5-қурилиш-монтаж бошқармаси, «Муллақирғиз ворислари» корхонаси ва «Ўзэлектромонтаж», «Комплекс» масъулияти чекланган жамиятлари, «Нампласт», «Меъмор АС» корхоналари, Наманган меъморлар уюшмаси ва бошқа жамоаларнинг қўли гул қурувчи-муҳандисларига ташаккур билдирамиз.

Онани Ватанга қиёс этамиз. Бола эса демакким, шу ватан келажаги, баркамол орзу умидларимиздир. Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Наманган филиалидаги бугунги бунёдкорлик ишлари кўнгилларда шундай шукуҳ уйғотади.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОРИҚ ОТГА ҚАМЧИ ОҒИР, ЙИРТИҚ УЙГА ТОМЧИ ОҒИР

Бунда «йиртиқ уй» деганда устига ёпилган кигизи йиртилган ўтов назарда тутилган. «Ориқ отга қамчи — ёв, Тешик томга томчи — ёв». Мазкур мақолларда отга нисбатан ишлатилган «ориқ» сўзи «ҳориқ, ҳориган, чарчаган, ҳолдан тойган» маъносини ҳам англатади. Тўғри маъноси: чопавериб ё юравериб чарчаган, ҳолдан тойган отга «юр» деган маънода яна қамчи урилса, унга оғир ботади, малол келади. Тепаси йиртиқ ўтовга, томи тешик уйга шаррос қуядиган ёмғир тугул томчилаб турган ёмғир ёғса ҳам, унинг ичи шилтаю-шалаббо бўлиб кетади. Мажозий маъноси: ишлаб, чарчаган одамга яна: «Мана бу ишни қил» десанг, оғир ботади, малол келади. Ожиз, ногирон, заиф, тани носоғ одамга қаттиқ-қурум гапирсанг оғир ботади, асаблантиради. Қамқувват, камдаромад одамга, хонадонга, хўжаликка ўз ҳолидан бироз ортиқчароқ бўлган сарф-харажат қилиш ҳам анча оғирлик қилади. Юқоридаги мақолларни шундай ҳолларга нисбатан қўллайдилар.

### ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Ота-боболар бу ва бу каби бир туркум мақолларида кишига турмушни мазмунли ўтказиш юзасидан панд-насиҳатлар қиларканлар, ҳаётдан умидсизланмаслик, руҳни тетик тутиб, кўнглига яхши ниятларни, орзу-истаклар жо қилган ҳолда келажак сари дадил, комил ишонч билан олға интилиш зарурлигини уқтирганлар. Юқоридаги мақол билан: «Бирор нарсани орзу қилишнинг ҳеч қандай айби йўқ, орзу қилсанг ва унга томон интилсанг, у рўёбга чиқадими, чиқмайдими — қатъи назар, бунинг учун одамлар сенинг устингдан кулмайдилар, қўрқмай қўяқол!» демоқчи бўладилар. «Орзу қанот бағишлайди»; «Орзу — қушдир, Ирода — мадад»; «Орзунинг ниҳояти бўлмас»; «Бир орзу ўн орзу болалайди»; «Одам ўйга тўймас, Бўри қўйга тўймас»; «Орзусиз кўнгил — булбулсиз чаман»; «Сулувни кўрсанг, кўзинг қонар, Орзунгни кўрсанг, кўнглинг қонар».


DETUR IPAK YO'LI TURIZM

Хушҳаво маскан
Яхши ҳордиқ омили

АНТАЛИЯГА
ҲАР ЎН КУНДА
ИЮНДАН БОШЛАБ
ЧАРТЕР ҚАТНОВЛАРИ

Мақбул нархлар ва чегирмалар

Бизга ёки сайёҳлик агентликларингизга қўнғироқ қилинг:

Тел.: +(998-71). 134-98-60, 134-99-13.
Факс: +(998-71) 134-98-93.
E-mail: info@ detursilkroadtashkent.com
700000, Тошкент, А.Темур кўчаси, М-4.
«Дедеман Силк Роуд Ташкент» меҳмонхонаси

HOTEL DEDEMAN SILK ROAD



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасида ишлаб чиқарилган, диаметри 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Товар сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru


## ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН» СООБЩАЕТ:

**Решение общего собрания. Порядковый номер сообщения — 09.**

Вид общего собрания — годовое.

Форма проведения общего собрания — очная.

Дата проведения общего собрания — 18 мая 2004 года.

Место проведения общего собрания — г.Ташкент, ул.Проектная, Г-24.

Присутствовало — 42 человек — 116944 голосов.

Кворум — 90,99%.

**Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним.**

1. Утверждение счетной комиссии и регламента проведения общего собрания акционеров.

**Проголосовали «за» — единогласно**

**Постановили утвердить:**

- **повестку дня годового общего собрания акционеров,**
- **предложенный численный состав счетной комиссии,**
- **назначить секретарем годового ОСА Мерганову Г.М.**

**утвердить предложенный регламент проведения собрания**

2. Доклад Председателя правления ОАО «TEMIRYO`LTA`MIN» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2003 года и бизнес план развития общества на 2004 год.

**Проголосовали «за» — 116944 голосов — единогласно.**

**Постановили: признать работу ОАО «Темирйўлтаъмин» удовлетворительной.**

3. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса.

**Проголосовали «за» — единогласно.**

**Постановили: утвердить годовой отчет и бухгалтерский баланс за 2003 год.**

4. Утверждение заключения аудиторской проверки. Утверждение аудитора на 2004 год.

**Проголосовали: «за» — 116944 голосов — единогласно**

**Постановили: Утвердить заключение аудиторской проверки за 2003 год и утвердить аудитора на 2004 год аудиторскую фирму «Консаудитфорез»**

5. Отчет Ревизионной комиссии

**Проголосовали «за» — 116944 голосов — единогласно.**

**Постановили: утвердить отчет Ревизионной комиссии.**

6. Распределение прибыли за 2003 год.

- В резервный фонд общества — 5% от чистой прибыли — 88 тыс.сум;
- В резерв сомнительных долгов — 5% от чистой прибыли — 88 тыс.сум;
- На пополнение собственных оборотных средств 90% — от чистой прибыли 1583 тыс.сум.

**Проголосовали: «за» — 116944 голосов — единогласно**

**Постановили: чистую прибыль по итогам работы за 2003 год направить на пополнение собственных оборотных средств.**

7. Утверждение состава Ревизионной комиссии

| Проголосовали: | «за» | «против» | «воздержались» |
|---|---|---|---|
| Рустамов Ҳасанбой Ҳошимович | 116194 | 200 | 550 |
| Каримова Наталья Викторовна | 116844 | — | 100 |
| Исраилов Абдуманноп Кадырович | 116844 | — | 100 |

**Постановили: утвердить предложенный новый состав Ревизионной комиссии в составе трех человек.**

8. Отчет Наблюдательного совета об итогах проведения мероприятий за 2003 год

**Проголосовали: «за» — 116944 голосов — единогласно.**

**Постановили: утвердить отчет Наблюдательного совета**

9. Утверждение состава Наблюдательного совета.

**Проголосовали: «за» — 116944 голосов — единогласно. Постановили: Утвердить предложенные кандидатуры Наблюдательного совета**

10. Внесение изменений в состав Исполнительного органа.

**Проголосовали: «за» — 116944 голосов — единогласно**

**Постановили: Утвердить кандидатуру Бобоназарова Г.А. — главного инженера в состав Исполнительного органа ОАО «TEMIRYO'LTA'MIN»**

11. Принятие решения о проведении в 2004 году договора найма с Председателем правления.

Проголосовали: «за» — 116944 голосов — единогласно

Постановили: продлить на 2004 год договор найма с Председателем правления Кудабековым М.Т.

Порядковый номер сообщения №10

Изменения в персональном составе должностных лиц

Орган управления эмитента, в котором произошли изменения:

1. Ревизионная комиссия

Члены Ревизионной комиссии полномочия, которых прекращены:

1. Самиева Д.М. — 300 акций простые
2. Саидвалиева З.Т. — 300 акций простые

Избранный новый состав Ревизионной комиссии:

1. Рустамов Хасанбой Хошимович — 108 акций простых
2. Исраилов Абдуманноп Кадырович — 150 акций простых
3. Каримова Наталья Викторовна — 250 акций простых

**2. Правление предприятия**

Член правления полномочия, которого прекращены:

1. Рахимов А.О. — 100 акций простых

Вновь избранный член правления

1. Бобаназаров Г.А. — 100 акций простых

Дата, когда произошли изменения — 18 мая 2004 года

Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющийся основанием указанных изменений — годовое общее собрание акционеров, проводимое 18 мая 2004 года.

Протокол общего собрания подписан 1 июня 2004 года.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

### ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул килиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш буйича** ***Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси*** **2004 йилнинг 28 июнь, 13 ва 27 июль, 10 ва 24 август кунлари қуйидаги давлат активлари ва объектларини бепул бериш бўйича танлов савдоларини ўтказади.**

**1. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари:**

| № | Корхона номи | Манзили | Низом жамғармасидаги давлат активи, % | | Танлов шартлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан давлат улуши | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | *Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | «1-son Avtokombinati» ОАЖ | Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Қамтар Отабоев кўчаси, 74-уй | 75,525 | 25 | Фаолият турини сақлаб қолиш | 170,0 | 2 |

**2. Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объектлари:**

| № | Объект номи | Манзили | Танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Бепул бериш тартиби (мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича ёки уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгаллаб турган ер майдонлари таркибини ўзгартиришнинг мақбул режаси асосида) | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | *Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | 60-сон болалар боғчаси | М.Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уй | мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича | Фаолият турини сақлаб қолиш | 40,0 | 1 |
| 2 | Собиқ 6-сон болалар стомотологик поликлиникаси | Сергели тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 8-уй. | мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича | Фаолият турини сақламаслик | 7,0 | 0,5 (6 ой.) |
| 3 | «Саноатқурилишиндустрия» ОАЖ балансидаги қурилиши тугалланмаган «Монолит уй-жой қурилиш базаси» | Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди (КПД-5 ёнида) | мулкий мажмуа сифатида, тўлиқлигича | Фаолият турини сақламаслик | 60,0 | 1 |

**Изоҳ: *** — Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг таклифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

### ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни ҳоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга булган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни: а) ариза ҳужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари хужжатлари тўплами; в) молиявий таклифлар хужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг ҳулосаси.
3. Олинаётган сармоя мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.
4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шаҳслар, маҳаллий ва хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан **уч кун** аввал тўхтатилади.

**Савдолар соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шахар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.**

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.**

**Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.**

**Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул килиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш буйича**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ

**2004 йил 25 майда ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, паст рентабелли корхона — «Ўзсуттўштмахсусавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган «Тошкент 3-автокорхонаси» бир йил давомида 117,800 млн. сўм инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга сотилганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Чиноз туман партия кенгаши биринчи котиби, Тошкент вилоят партия ташкилоти Тафтиш комиссияси раиси Т.Ў.Умаровга онаси

**Тошбуви ая НУРИМБЕТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)



MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 765
10111 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.15
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA